Ушбу сонда: 2-3 АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 560 ЙИЛЛИГИГА | 4 ТОШКЕНТЛИК СПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 9 феврал, жума №22 (1036)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТИЛГАН МАМЛАКАТ

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Менинг қўлимда Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» деб номланган китоби турибди. Мен китоб муаллифини билимдон олим ва нозиктаъб тадқиқотчи сифатида шахсан яхши биламан. Тан олиб айтаманки, бу китоб мени ҳайратга солди. Уни мутолаа қилар эканман, энг аввало, ўзим учун кутилмаган бир таъна-дашномни ҳис этгандек бўлдим. Чунки бу китоб менинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурим хижолат тортадиган даражада кам эканини, билганларим ҳам воқеа-ҳодисаларни ғира-шира акс эттирадиган юзаки таассуротлардан нарига ўтмаслигини кўрсатиб қўйди. Китобдаги аксарият фактлар, воқеа, манзара ва мулоҳазалар мен учун буткул янгилик бўлди.

Лекин китобни ўқиш жараёнида кўнглимда пайдо бўлган бу таъна-дашном фақат ўзимгагина тегишли эмасди. У Ўрта Осиё халқларини мустамлакага айлантиришни жаҳон инқилобини янада кенгроқ ёйиш, яъни Шарқ томон силжитишнинг бир воситаси деб ҳисоблаган ленинча-сталинча миллий сиёсатга ҳам қаратилган эди. Чунки Тинч океанининг илиқ сувлари ҳақидаги орзулар большевикларнинг «қайнаган фикру хаёли»ни жунбушга келтирган бўлиб, Ўрта Осиё эса уларнинг бу борадаги оламшумул орзу-хаёлларининг бир зарраси эди, холос. Айнан мана шу инқилобий хомхаёллар шундай бир манманлик сиёсатини майдонга чиқардики, у маҳаллий халқларнинг азалий анъаналарини, урф-одатлари ва динини, бутун турмуш тарзини шафқатсиз равишда йўқ қилди, чегараларни ўзбошимчалик билан ўзгартирди ва шу тариқа бу заминга келажакда ҳудудий низоларни юзага келтирадиган, аста-секин мадда олиб борадиган адоват уруғини қадади.

Мазкур китоб ўзининг маърифий аҳамияти ва ўзаро чамбарчас боғланиб кетган тарихий воқеаларга бойлиги, ечимини топиш ғоят қийин бўлган мураккаб муаммоларни ўртага қўйиши билан кишини ҳайратга солади. Мен бу қисқача мулоҳазаларимда айрим нозик масалалар хусусида тўхталиб ўтирмоқчи эмасман, балки уларни муаллифнинг инон-ихтиёрига қолдириб, бошқа баъзи бир масалалар тўғрисидаги ўз фикримни баён этмоқчиман, холос. Бу ўринда мени, биринчи галда, ташвишга солаётган масалалар, айниқса, таъбир жоиз бўлса, эндигина тетапоя бўлиб келаётган озодликнинг вужудига тикандек қадалиб турган айрим муаммолар хусусида гапирмоқчиман. Тарих инжиқликларига келсак, ортимиздан изма-из босиб келаётган глобаллашув даври бу инжиқликларни кўп ҳолларда тарихий тараққиёт йўлининг четига улоқтириб ташлайди.

Мен Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига қандай тайинлашганини яхши эслайман. Бу масалани ҳал этиш жуда қийин кечган эди. Дастлаб унга ким тарафдору, ким қарши эканини билиб олиш мушкул бўлган эди. Дарҳақиқат, Сиёсий бюрода бу масала бўйича якдиллик йўқ эди. Бу вазиятни Ислом Каримовнинг ўзи ҳам тўғри баҳолаган ҳолда хотирлайди. Тан олишим керакки, бу лавозимга тайинлашдан олдин бериладиган айрим маълумот ва ҳужжатлар туфайли менда ҳам бу одамга нисбатан қандайдир шубҳа уйғонган эди. Бироқ, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, айнан шундай ҳужжатлардан бирининг мазмуни менинг барча шубҳа-гумонларимни тарқатиб юборди. Ҳужжатлар орасида ётган бу қоғознинг - у Ўзбекистондан келган хат эдими, москвалик бирон «хайрихоҳ одам»нинг уйдирмаси ёки Давлат Хавфсизлик қўмитасининг маълумотномаси эдими, қаёқдан пайдо бўлгани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Хуллас, у чақувга ўхшаган бир нарса эди. Ҳамманинг жонига теккан ва сийқаси чиққан жазолаш органлари мамлакат ҳаётига тиқиштирган партиявий селекция амалиёти давом этмоқда эди.

Мен Ислом Каримовнинг тайинланишини ёқлаб овоз бердим. Менга унинг вазмин ва камгаплиги, ўзини тута билиши маъқул тушди. Айни пайтда у билан ўртамизда алоҳида бир яқинлик пайдо бўлди, деб айтолмайман. Ўша пайтлари юқори партноменклатура мени партияни социал-демократия томон оғдираётган, иттифоқ давлатини эса парчаланиш томон бошлаётган одам сифатида тинимсиз танқид қилар, бундан асабларим ниҳоятда толиққан эди. Мен иттифоқдош республикаларнинг юқори мансабдор шахслари билан муносабатда ўзим учун гўё қандайдир руҳий девор қуриб олгандек эдим. Менда, иттифоқдош республикалар компартияларининг намояндалари Москвага муносабат масаласида ҳали ҳам мутаассибларча садоқат кўрсатиб келмоқда, улар иттифоқнинг бирлиги ҳамда ўзлари такрорлашдан чарчамайдиган «абадий дўстлик» учун охиригача курашади, деган ишонч пайдо бўлган эди.

Албатта, мен бу борада адашган эканман. Аслида буларнинг барчаси республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун туғилган илк имкониятлардан фойдаланиши борасидаги ўзига хос бир восита эди. Бу ўринда кимнидир иккиюзламачиликда айблаш инсофдан эмас. Ўша пайтларда ҳаммамиз, барча номенклатура ходимлари тилда бир нарсани гапириб, дилда эса бошқа нарса ҳақида ўйлар эдик.

Ўзбекистон ҳали Совет Иттифоқи таркибида бўлган пайтдаёқ Ислом Каримовнинг ўзини Республика Президенти деб эълон қилгани сиёсий бюродагиларнинг кўпчилигини хавотирга солиб қўйган эди.

Эсимда, Горбачёв мендан Каримовнинг бундай қадамига нисбатан муносабатимни сўраган ва у янада жиддий оқибатларга олиб келмасмикан, деб ташвиш билдирган эди. Мен бунинг ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, охир-оқибатда бу бир шакл-да, деб жавоб берган эдим. Агар масаланинг мазмунига келсак, тезроқ миллий масала бўйича сиёсатни аниқлаб олиш ва иттифоқ ҳудудида конфедератив тузумни имкон қадар тезроқ шакллантириш керак, деган фикрни билдирдим.

Боя айтганимдек, менинг Ўзбекистон Президенти билан ўзаро муносабатим, бошқа кўпчилик собиқ иттифоқ республикалари раҳбарлари билан бўлганидек, яхши ҳам, ёмон ҳам эмасди. Бир куни Президентлар Кенгашининг ажабтовур бир тарзда ўтган, бир тўхтамга келиб бўлмаган йиғилишидан сўнг Ислом Каримов менинг ёнимга келди-да: «Александр Николаевич, тўғрисини айтсам, мен сизнинг қарашларингиз моҳиятини яхши тасаввур қилмаган эканман, бу нарсани кечроқ тушунганимдан афсусланаман», деди.

Бундай эътироф мени беҳад қувонтирди, қалбимда бу инсонга нисбатан илиқ туйғулар уйғотди, албатта. Биз яна бирмунча вақт турли масалалар тўғрисида гаплашдик, лекин уларнинг мазмуни ҳозир эсимда йўқ. Суҳбат сўнгида Ислом Каримов мени Ўзбекистонга таклиф этди. Лекин баъзи бир сабабларга кўра, кейинчалик мен Ўзбекистон билан бевосита қизиқа олмадим.

Албатта, мен Ўрта Осиё муаммоларига доир Россия матбуоти саҳифаларида чоп этилган турли чўпчакнамо гапларни кўп ўқиганман ва эшитганман. Лекин улар мени озгина бўлса-да, ишонтирган, деб айта олмайман. Чунки бундай чиқишлар аксарият масалани бирёқлама акс эттирар, кўп ҳолларда улардан эскича империяпарастлик иллатлари, калондимоғлик аломатлари яққол сезилиб турарди. Чунки Россиядаги кўпчилик танқидчилар Ўрта Осиё ва унда рўй бераётган воқеаларга қандайдир тепадан қарайди, уларга беписандлик билан муносабат билдиради. Уларнинг муайян далилларни ҳамиша Европа

анъаналари, Россиянинг юқори табақа зиёлиларига хос тафаккур мезонлари билан ўлчаши сезилиб туради. Айниқса, бу ҳол инсон ҳуқуқлари масаласига тааллуқли бўлиб, уларнинг фикрича, бу масалада халқнинг минг йиллик анъаналарини, кўп асрлик тарихини, ўзига хос табиати ва феъл-атворини, урф-одатлари, диний эътиқоди ва бошқа хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмиш. Аммо ҳаётда бундай бўлмайди. Инсон ҳуқуқларидек нозик масалага ҳамма жойда бир хил ёндашиш, уни бир қолипга солишга уриниш асло мумкин эмас. Ҳар бир дарднинг ўз давоси бор. Шунинг учун юқоридагидек фикр юритиш мени ҳамиша хушёр торттириб келади. Бироқ, афсуски, менинг Ўрта Осиё республикаларига бориш ва бу ерда рўй бераётган воқеаларни ўз кўзим билан кўришга бўлган доимий интилишим амалга ошмади. Такроран айтаман, таассуфки, шундай бўлди.

Ислом Каримов ўтмишни келажак билан боғлаш асосида мамлакатни модернизация қилиш - замонавий тарзда тараққий эттириш йўлини танлади. Бу мақсадга хизмат қиладиган тизим ва тармоқлар фаолиятининг самарадорлиги, аввало муайян давлатнинг мавжуд шарт-шароити, муайян халқнинг ворисийлик хусусиятларига таянадиган, айни пайтда келажакка йўналтирилган ижтимоий-маданий анъаналарига боғлиқ эканини у чуқур англади.

«Фақат билимли, маърифатли жамиятгина, - деб ёзади Президент, -демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда». Бу ажойиб фикр муаллифнинг масала моҳиятини нечоғли теран англашидан далолат беради.

Ушбу сўзлар беихтиёр менинг Россиямни ҳам ёдга солади. Бу ерда бугун демократик тараққиётнинг аста-секин ортга тисарилиш аломатлари кўзга ташланаётганини пайқаш қийин эмас. Бу ҳол айнан аҳолининг билимсиз ва жоҳил қисми зуғуми оқибатида рўй бермоқда. Бугунги кўп амалдорлар эса аҳолининг ана шу тоифаси ортига усталик билан бекиниб олганини кўриш мумкин.

Менинг фикримча, китоб муаллифининг Ўзбекистондаги анъанавий ва замонавий маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги фикрлари катта эътиборга молик. Бу жуда қадимий масала. У ҳақда Россияда ҳам инқилобгача бўлган замонлардан тортиб, сталинча-фашистик давлат тузуми даврида ҳам, бугун ҳам тўхтовсиз баҳс-мунозара юритилади.

Тарихда доим бўлганидек, мустаҳкам илдиз отган номенклатура ҳокимияти одамларнинг бюрократия ва давлат аралашувисиз ўз ишларини ўзлари бошқариши билан муроса қила олмайди. Аслида, одамлар ўзларини ўзлари бошқаришга эришгандагина инсон давлат машинасининг жонсиз бир мурватига эмас, балки кишилик жамияти тизимидаги асосий омилга айланади. Бу борада давлат аралашуви қанча кам бўлса, инсон имкониятлари шунча кўпаяди.

Шу маънода, мен китоб муаллифининг Ўзбекистондаги бюрократиянинг бугунги аҳволи, ўз мағлубиятини тан олмаётган, ҳаловатини йўқотиб, ҳокимиятни қайтариб олиш илинжида ўзини турли сиёсий қиёфага солиб кўраётган собиқ шўро номенклатурасининг ҳар ёққа қараб шох ташлаши ҳақидаги мулоҳазаларини диққат билан ўқидим.

Муаллиф собиқ номенклатурага мансуб турли гуруҳларнинг қарашлари ва хатти-ҳаракатларини чуқур таҳлил этади. Мени ҳаммасидан ҳам кўпроқ шу мавзу безовта қилади. Негаки, мен Россиядаги фуқаролик жамияти тараққиётига ғов бўладиган асосий хавфни совет давридан мерос қолган номенклатура, жумладан, «демократик» номенклатура қиёфасида кўраман. Чунки бу тоифа, ҳокимиятдаги мансаб курсисини эгаллаши билан, шу зумда мухолифат ҳақида ҳам, «ўз қарашлари» ҳақида ҳам, қўйинг-чи, дунёдаги ҳамма нарса ҳақида ўйлашни унутиб қўяди.

КПССнинг инқирозидан сўнг номенклатура дарҳол янги шароитга мослашиб олди, эски тартибларни оз-оздан бўлсада, қайтариб олиш илинжида бугун ҳам бирлашган куч сифатида майдонга чиқмоқда. Албатта, бу тоифа хомхаёл большевиклар изидан бормоқчи эмас, у бор-йўғи ўзи учун қулай ҳаёт яратиб олмоқчи, холос, бошқа ҳеч нарсани ўйлаётгани йўқ. Бу янги бюрократия эскисидан кўра заиф эмас, аксинча, у назоратсиз қолгани сабабли янада мустаҳкамланиб олган. Бугунги давлат аппарати ўзагини собиқ партия-давлат номенклатураси ташкил этади. Унинг таркибида ўз хўжайинларининг ўйин қоидаларини бажонидил қабул қилиб олган ўрта қатламдаги озгина профессионаллар ҳам бор.

Мен китоб муаллифининг номенклатура томонидан ҳокимиятни хусусийлаштириб олиш айнан ана шу асосда амалга оширилгани ҳақидаги фикрларига тўла қўшиламан. Бу мавзу ҳақиқатан ҳам мураккабдир. Ва у, биринчи галда, халқаро ҳаёт шарт-шароитларининг ўзгаргани учун ҳам мураккабдир. Глобаллашув даври бошланмоқда ва бундан ҳеч қайга қочиб қутулиб бўлмайди. Чунки ҳеч қандай «темир пардалар», халқаро ахборот тармоқларини узиб қўйиш ва бошқа шунга ўхшаш чора-тадбирлар энди иш бермайди. Шу маънода, «номенклатура салтанати» ўз ҳокимиятини абадий қўлдан бой берди.

Лекин унинг кучи шундаки, у ҳайрон қоларли даражада тез турланади ва янги-янги қиёфаларда намоён бўлади. Бугунги кунда эски номенклатурачилар КПССнинг селекцион тузилмасидан халос бўлгач, тезлик билан клиентизмнинг мустаҳкам тизимини барпо этишга киришди. Бу тизимда кичик амалдор катта амалдорга, у эса ўзидан каттароғига боғлиқ бўлади ва шу тариқа иерархия, қуйидан юқоригача сўзсиз бўйсуниб борувчи мансаблар тизими вужудга келади. Бундай иерархик муносабатлар пулга ва порахўрликка асосланади. Коррупция ҳокимиятнинг устунига айланади.

Клиентизм тизими ҳокимиятни хусусийлаштириб олиб, давлат хизматини жамоатчилик манфаатларига қаратилган вазифалардан маҳрум қилиб қўяди ва уни мўмай даромад келтирадиган манбага айлантиради. Шу тариқа демократия барҳам топади, амалдорлар диктатураси ўрнатилади. Қамоқхона ва лагерлар ўрнини сафсатабозлик ва пул эгаллайди.

Китоб муаллифининг Ўзбекистондаги миллий муаммолар билан боғлиқ қарашлари ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистон Президентининг баъзан қатъият ва жасорат талаб этадиган, кўпинча оқимга, жамиятдаги ҳукмрон кайфиятларга қарши боришга тўғри келадиган ўта чигал масалаларнинг ечимини қандай топаётгани айниқса эътиборга моликдир.

Мен бу ўринда қўшни давлатлар билан муносабатлар масаласига тўхталмоқчи эмасман. Бу масалада кўр-кўрона қалам суриш ҳеч қандай фойда келтирмайди. Фақат давлат тилидан бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли билан боғлиқ масала қандай ҳал этилаётганига эътиборни қаратмоқчиман. Менинг билишимча, Ўзбекистон бундай одамларга, хусусан рус тилида сўзлашувчи аҳолига бўлган муносабатни замонавий маданият талаблари даражасида ҳал этган, деб таърифлаш мумкин бўлган собиқ шўро ҳудудидаги саноқли республикалардан биридир.

Ислом Каримов соғлом фикрли инсон сифатида миллий масалалардаги барча «ўйин»лар қон тўкилишига олиб келишини, кўп йиллар давомида нафрат уруғини сепишини жуда чуқур тушуниб етди. Бошқа миллат вакилларига менсимасдан қараш, аввало, ўз халқини, туб халқни қаттиқ камситади. Бугун дунёда тажовузкор миллатчилик жазаваси авж олган бир шароитда миллатлараро муносабатлар масаласига бундай ёндашиш осон эмас, албатта.

Миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ва антисемитизм мен учун ҳамиша инсониятга катта хавф туғдирувчи иллат ҳисобланган. Уларнинг барчаси урушлар, қон тўкишлар ва нафратга сабаб бўлади, холос. Уларнинг барчаси доҳийлар ва ҳукмрон гуруҳлар манфаатларига хизмат қилади, лекин биронтаси ҳам аслида бўлиб оладиган ҳеч нарсаси бўлмаган халққа заррача фойда келтирмайди.

Мен 1972 йилда «Аксилтарихийликка қарши» деб номланган мақоламни чоп эттирган эдим. Унда ҳар қандай шаклдаги миллатчиликнинг вайронкор таҳдиди ҳақида гап борар эди.

Мақола босилиб чиқиши билан Москванинг шовинистик зиёлилар доирасидагина эмас, балки Киев, Тошкент, Боку ва бошқа шаҳарлардаги ёзувчилар муҳитида ҳам менинг фикрларимга қарши қаҳр-ғазабга тўлган кучли танқид бўрони қўзғалган эди.

Ўшанда «байналмилал ёзувчилар» мени «катта оға»ни ранжитишда айблашган, уларнинг шундай мазмундаги хатлари ёғилиб кетган эди. Кўпгина «катта оға» вакиллари ўзларининг империяпарастлик қарашларидан барибир воз кечолмади, собиқ республикалардаги «кичик ука»лар эса бир думалаб «миллий демократ»ларга айланиб олди. Уларнинг аксилкоммунистик қарашлари билан ишим йўқ, лекин аксилрус кайфиятларига берилиб кетгани мени ташвишлантиради.

Айниқса, кейинги ҳолат кишини ўйлантириб қўяди. Агар бундай туйғулар чин кўнгилдан чиқаётган бўлса, самимий бўлса, бу бошқа гап. Бундай вазиятда мулоқот талаб этилади. Бироқ, улар асл инсоний туйғулар билан ўйнашиб, унинг ҳисобидан фойда топиш, чайқовчилик қилишга қаратилган, баъзан тушунтириш ҳам мушкул бўлган ўч олиш туйғуси остида амалга оширилаётган бўлса, унда нима қилиш керак? Бундай вазиятда ахлоқий тушунчалар, инсонпарварлик, адолат ҳақида гапиришга ҳожат борми ўзи?

(Давоми 4-бетда).

Токиода теннис бўйича энг нуфузли халқаро турнирлардан бири - «Пан пасифик оупен» турнири ўз ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ доллари бўлган турнирда 32 мамлакат теннисчилари, шу жумладан Ўзбекистондан Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этди.

ИРОДА ТЎЛАГАНОВАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Якка тартибдаги мусобақаларда муваффақиятга эриша олмаган Ирода жуфтликда финалгача етиб борди. Ирода ва россиялик Анна Курникова жуфтлигига қарши жаҳоннинг олтинчи ракетка устаси АҚШлик Лиза Раймонд ва жаҳоннинг саккизинчи ракетка устаси австралиялик Рене Стаббс майдонга тушди.

Бу беллашув Ирода ва Анна учун осон бўлмади. Улар ўзларининг рақиблари устидан иккинчи сетда - 6/2 ҳисобида ғалабага эришиб, учрашув умумий ҳисобда - 7/6, 6/2, 7/6, тай-брейк-8/6 натижаси билан якунланди.

Шундай қилиб, Ирода Тўлаганова ва Анна Курникова «пан пасифик оупен» турнирининг кумуш медалига сазовор бўлдилар. Бу уларнинг янги йил ва янги асрдаги дастлабки омадли қадамлари бўлди.

Ирода Тўлагановани Бирлашган Араб Амирликлари ва Катарда бўладиган халқаро мусобақалар кутмоқда.

(ЎзА).

ДИЛГА КЎЧГАН СУВРАТЛАР

Сохир мўйқалам сохиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маҳмуд ЖЎРАЕВнинг мўъжазгина ижодхонасида бўлган одам ўзини ўзбек фани ва маданияти, бемисил санъати ва адабиёти хазинасига кириб қолгандек ҳис қилади. Чунки, халқимизнинг узоқ кечмиши, давлатчилигимиз тарихи ва зиёлилар ҳаётига бўлган беҳад қизиқиши туфайли юзага келган асарлари сизга тарихдан сабоқ беради, фозиллар ҳаётидан ҳикоя қилади, ўтмиш ва бугундан сўз очади.

Қирқ йилдирки, вақтли матбуот хизматига камбаста камтарин мусаввир мўйқалами яратган Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон каби қатағон қурбонлари, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Элбек сингари маърифатпарварлар, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Миртемирдек забардаст устозлар, Наби Ғаниев, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов каби фан ва маданият дарғалари сизга пешвоз чиқади.

Тарихийлик ва лирикани ўзининг ҳар бир асарида омухталаштирган мусаввир Амир Темур сиймосига ҳам бир неча бор мурожаат қилган. «Соҳибқирон бинокор ва меъморлар орасида», «Саид Барака ёш Амир Темурни дуо қилмоқда» каби асарларида у ўзбек давлатчилиги ва жаҳон тарихида муносиб ўрин эгаллаган буюк зотнинг суврати ва сийратини акс эттиришга муваффақ бўлган.

(Давоми 3-бетда).

«Ишонч» фош этади

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ

тадбиркор ва қатор фуқароларга бир миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар етказди

Мўъжазгина ошхона ходимлари шу куни одатдагидек ишлашарди. Сўнгги вақтларда бу ерга келувчиларнинг сони анча кўпайди. Таомларнинг сифатлилиги, ходимларнинг ширин муомаласи кўпчиликка маъқул туша бошлади.

Фуқаро Маҳбуба Маманова эса алоҳида буюртма бериб, оилавий хурсандчилик кунини дўстлари, қариндошлари билан шу ерда нишонлашга аҳд қилганди. Шунингдек, қатор хўрандалар ўзлари севган таомларга буюртма беришди. Хўрандалар яхши кайфиятда ҳордиқ чиқаришарди. Кутилмаганда ошхонага Сирдарё туман санитария-эпидемиология мажмуаси бош ҳакими Турсунбой Магомедов кириб келди. У ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмай, ошхона ёпилганлигини маълум қилди. Хўрандалардан бу ерни тарк этишларини сўради. Табиийки, ёру дўстлари олдида хижолатда қолган Маҳбуба Маманова саросимага тушди. У бош шифокорга ялиниб-ёлвориб, оиласи ҳаётидаги унутилмас кунни кўнгилдагидек ўтказишга имкон беришларини сўради. У қанчалик қуйиб-пишмасин, «хўжайин»ни кўндиролмади. Т.Магомедов Сирдарё шаҳар ҳокимининг топшириғи қатъий эканлигини айтиб, оёқ тираб туриб олди.

Орадан кўп ўтмай, туман солиқ инспекцияси раҳбарининг муовини Алишер Ибрагимов пайдо бўлди. У ҳам қатъий топшириқ билан келган экан. Наилож, 30 нафардан ортиқ хўранда қаттиқ хафа бўлиб, ошхонани тарк этишди. Эшикларга қулф урилди. Эртасига санитария-эпидемиология мажмуаси ходимлари Н.Алиқулова ва А.Қаҳҳоров номигагина текширув ўтказиб, 47-сонли қарорга асосан ошхона фаолияти тўхтатиб қўйилди.

— Якка тартибда фаолият юритаётган Римма Нам «Ишонч» телефони орқали бизга мурожаат қилди, - дейди Сирдарё вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш бўлими бошлиғи Зокиржон Отабоев. - Ушбу ҳолат юзасидан текшириш олиб бордик. Ҳақиқатан ҳам, бутунлай асоссиз, ноқонуний текшириш ўтказилган. Оқибатда умри азиз инсонлар хафа қилинган, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз ҳолга келтирилган. Савол-жавоб жараёнида иккала жавобгар ҳам бу хатти-ҳаракатни шаҳар ҳокими топшириғига биноан амалга оширганликларини айтиб, ўзларини оқламоқчи бўлишди. Албатта, ҳеч ким бўш келишни хоҳламасди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Адолат эгилиши мумкин, аммо асло синмайди. Сирдарё туман суди масалага ҳаққоний нуқта қўйди. Судда Т.Магомедов ва А.Ибрагимовлар ўзларини ҳар томонга ташламасинлар, рад этиб бўлмас далиллар қаршисида ожиз қолдилар. Суд қарорига мувофиқ ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан тадбиркор ҳақ-ҳуқуқига путур етказганлиги, қўл остидаги ишчиларни мажбуран ишсиз қолдирганлиги, хўрандалар иззат-нафсига текканлиги, қолаверса, ошхона фаолиятини издан чиқарганлиги учун бир миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар икки шахс ҳисобидан қўшма тартибда ундириладиган бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

НАВОИЙХОНЛИК 560

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини,

Комил инсон ҳақидаги қарашлар турлича: ким учун у — олий идеал, қўл етмас орзу. Бу мақомни фақат хаёл қилиш мумкин, бу мартабага фақат интилиш мумкин, лекин унга эришиш, етишиш мумкин эмас. Чунки барча тасаввуф назариётчиларининг яқдиллик билан эътироф этишларича, комил инсоннинг бу дунёдаги якка-ю ягона ва мукаммал тимсоли — Муҳаммад алайҳиссалом. Колганларнинг камолот даражаси унга нисбатан олинади. Чунончи, бошқа барча пайғамбарлар Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан, авлиёлар пайғамбарларга нисбатан, орифлар авлиёларга нисбатан, ахлоқда ва илмда етук инсонлар орифларга нисбатан комилдирлар.

КОМИЛ ИНСОН

ҳақидаги қарашлар

Комил инсон таълимоти назариётчиларидан Азизиддин Насафий фикрига кўра комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Бу тариқат ва риёзат йўли билан қўлга киритиладиган юксак мартабадир. «Комил инсон шундай кишидирки, - деб ёзади олим, - унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Алишер Навоий ҳам ўз салафлари каби гарчи Муҳаммад алайҳиссаломни комиллар комили, башар аҳлининг ягонаси, инсоният хулосаси сифатида улуғласа-да, камолотда одам авлодидан ҳеч ким унга етишолмаслигини қайта-қайта таъкидласа-да, масалага комил инсонга эришиш мумкин деган реал талаблар асосида ёндошади. Шоир нуқтаи назарига кўра, ўзидаги қусурларни маҳв этган инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан шу даражада юксаладики, бу мақомга эришган кишиларни Муҳаммад алайҳиссаломнинг ворислари, пайғамбар ишининг давомчилари, дейиш мумкин. «Олимлар — пайғамбарга ворис», деган ҳадисдан келиб чиқиб, у ёзади:

Улуғлардин насиб истар эсанг, касби камол этгил,
Нединким, анбиёга илмлиқ инсон эрур ворис.

«Ҳукамо қавлининг таржимаси инсоният бобида» сарлавҳали қитъасида эса тавозуъ, афв ва саховат соҳиби бўлган кишиларни ҳакимлар комил инсон деб атаганлар, дейди:

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса ани аҳли давлат.
Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул
Ки, зоҳир бўлғай эл топқонда қудрат.
Ато ҳам турфа ишдур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.
Ҳаким инсони комил дебтур они
Ки, бўлғай зотида бу неча хислат.

Албатта, Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари тасаввуф билан боғлиқ. Навоий наздида, тариқат йўлига кирмай, риёзат чекмай, камолотга эришиш мумкин эмас. Қуёш бир томондан чиқиб, иккинчи томонга бориб ботгани сингари камол касб этишни орзу қилган киши ҳам риёзат босқичларини босиб ўтиши керак. Бу ҳақда шоир:

Қуёшдек манозил тай этмак керак,
Не раҳравки, қилғай камол орзу,

дейди.

Кўпгина ғазалларида Навоий пирсиз тариқат босқичини ўтаб бўлмаслиги, камолот йўлига раҳнамосиз кириб бўлмаслигини таъкидлайди. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам 1476 йили Абдураҳмон Жомийга қўл бериб, нақшбандия тариқатига кирган:

Йўл қоронғудир, талаб ноқис — қадам не навъ урай,
Ёрумай комил дамидин машъали иршоднинг.

Сўфийлар орасида: «Пири йўқнинг пири — шайтон», деган нақл бор. Чунки риёзат йўли машаққатли бўлиб, раҳнамосиз бу йўлга кирган киши адашиши мумкин. Шунинг учун ҳам тасаввуфда ҳар жиҳатдан комил муршидга мурид тушиб, бу маънавий раҳбарнинг азму иродасига бўйсуниш, ўз айбу нуқсонларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ тузатиш энг мақбул ва энг таълимотида ҳам улар бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар ҳисобланади.

Маълумки, камолот йўлига кирган киши солик, мурид, сўфий, толиб, дарвеш каби номлар, харобот аҳли, фақр аҳли, сулук аҳли, дайр аҳли сингари сифатлар билан юритилади. Бу йўлни пирсиз босиб ўтиш мумкин эмаслиги сабабидан у ўзига дастлаб бир муршиди комил танлайди. Пир, муршид, пири майхона, пири майкада, пири дайр, пири муғон, пири хаммор, соқий, ақли кулл, пири харобот, пири ишқ каби номлар билан эса сўфийни камолот сари бошлайдиган икки дунё сиридан огоҳ соҳибдил инсон улуғланади. Тариқат йўлига кирган солик аввало фақрни шиор қилиб олиб, ўзликка қарши кураш бошлайди. Бу жараёнда у нафс, дунё ва жисм талабларини енгиб, ўзини фано мақомига етказади, фоний бўлади. Фонийлик,фанодан кейин эса бақо келади. Бақога етган солик комил инсон ҳисобланади. У Ҳақ ва халқ орасида восита бўлади. Унинг қалб кўзгуси ойинаи жаҳоннамо, Жамшид жомидай бўлиб, бутун дунё сир-асрори унда акс этиб туради. Демак, кўзгу, Жамшид жоми, ойинаи жаҳоннамо сўзлари ҳам комил инсон билан боғлиқ бўлиб, унинг илоҳий файз шуъласидан чарақлаб турган шаффоф қалбини билдиради. Риёзат босқичларини босиб ўтиб, комиллик мақомини эгаллаган, Ҳаққа муқаррраб (яқин) бўлган бундай инсонларни сўфий, ориф, ошиқ, ринд, порсо, ақли кулл, сидқ аҳли, фақр аҳли, фано аҳли, дил аҳли, васл аҳли, шавқ аҳли, дард аҳли, ишқ аҳли, таҳқиқ аҳли, назар аҳли, ниёз аҳли, ишқ пири, ишқ муршиди, маъно аҳли, сафо аҳли, ризо аҳли, ҳақиқат аҳли, карам аҳли, табъ аҳли, идрок аҳли, ҳиммат аҳли, дайр аҳли, аҳли салоҳ, соҳибасрор, соҳибназар каби ном ва сифатлар билан атаганлар.

Бундан ташқари, Навоий комил инсонларни кўнгилларнинг севиклиси бўлмиш маҳбубага нисбат бериб, бадиий тимсоллар воситасида ҳам таъриф-тавсиф этади. Бунда юз, кўз, лаб, оғиз, бел ва бошқалар мажозий мазмунга эга бўлади. Юз — комил инсоннинг илоҳий нурдан чароғон чеҳрасини, кўз — унинг икки олам асроридан воқиф, муридни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи қалб кўзини билдиради. Бел — комил инсон хаёлига, ингичка бел бу хаёлнинг нозиклигига ўхшатилади. Лаб деганда, илоҳий файз ва пирнинг сўзи, бу жонбахш каломнинг мазмуни назарда тутилади. Айни маънода ошиқнинг ўз маъшуқасидан бўса исташи муриднинг муршид сўзига ташналиги, у орқали маърифат асроридан баҳраманд бўлишга интилишини англатади. Оғиз мисолида илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилинади. Шунга мувофиқ, тор оғиз — Тангри каломининг нозик ва чуқур маънога эга эканлиги ва уни ҳамма ҳам дарк этолмаслигидан нишона. Чунончи, шоир ёзади:

Тенгри бермиш ул пари пайкарга андоқ тор оғиз
Ким, киши билмаски, анда йўқмудур ё бор оғиз.

Биз комил инсон атрофига уюшган сўз ва тушунчалар ҳалқасини биргина Навоий ғазалиёти мисолида кўрдик. Шоир ижодида тасаввуфнинг деярли барча истилоҳ ва тимсоллари шеърий шарҳланганки, Навоий асарлари асосида ўзига хос назмий «Тасаввуф истилоҳларининг изоҳли луғати»ни тузиш мумкин. «Хамса»даги мажозий ва ҳақиқий ишқ кенг шарҳланган ўринлар, шоир ғазалиётида чуқур ишланган фақру фано концепцияси, пиру муридлик муносабатлари, тавҳид асрори, пок ишқ, инсоний камолот масалаларига бағишланган, дунё, нафс, зоҳирпараст шайҳу зоҳидлар, зуҳд ва зуҳд аҳли, тамаъ, сиҳҳат аҳли, ҳуш аҳли, дунё аҳли, жоҳ аҳли таниқид қилинган, қаноат, саховат, шижоат, муҳаббат, ҳиммат, садоқат улуғланган ғазал ва байтлари фикримизнинг исботидир.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

АЙЛАҒАЙ

Кимки бир қўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортиқ англаким, бир банда озод айлагай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Ёр ҳиҳронидин ўлгумдир, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлагай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай.

Шайҳдин зуҳду риёе касб ўлур, ё раб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Одам авлодида камдур одамилиқ шеваси,
Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Енгилиб аввал менинг жонимга бедод айлагай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астиробод айлагай.

ЭҲТИРОМ

Буюк бобокалонимиз ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини ўрганиш, билиш ва қалбан ҳис қилиш ўзликни англаш билан тенг, десак муболаға эмас. Шу маънода, Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Кўплаб иқтидорли илмий ходим фаолият кўрсатаётган мазкур даргоҳда шоир қаламига мансуб, шунингдек, мумтоз адабиётимизнинг турли даврларига оид нодир қўлёзма асарлар сақланмоқда. Илмий изланишлар ҳосиласи сифатида эса «Адабиёт кўзгуси» номли тўплам мунтазам нашр этилмоқда.





— Азиз Қаюмов, Фозила Сулаймонова, Маҳбуба Қодирова, Саидбек Ҳасанов каби етук навоийшуносларимиз айни кунларда пойтахтимизнинг турли мактаб, техникум ва коллежларида, олий ўқув даргоҳларида учрашувлар ўтказмоқда, — дейди музей бўлим мудири Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев. — Бундан ташқари, зиёлилар, ўқувчи ва талабалар тез-тез музейга ташриф буюриб, Алишер Навоийнинг битмас-туганмас хазинасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.

ДАВР ТАЛАБИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган «Навоийни англаш - давр талаби» мавзуида илмий, адабий-мусиқий анжуман ўтказдилар.

— Бу йилги Навоий анжумани кўпроқ «Навоий ижоди ва замонамиз» мавзуига бағишланди, - деди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети декани Норқул Бекмирзаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Хусусан, анжуманни очган академик Тўрабек Долимов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзларини эслатиб, ҳозирги кунда ёш авлодни Алишер Навоий ижодини тушунадиган қилиб тарбиялаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Олимнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда мамлакатимизда Милий ғоя ва мафкурани яратиш соҳасида Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлик ва миллатпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари янгича аҳамият касб этади. Шунга кўра, анжуманда улуғ шоирнинг миллат ва унинг равнақи ҳақидаги қарашлари талқинига алоҳида эътибор берилди. Энг муҳими, анжуманда Алишер Навоийнинг такрорланмас санъаткор эканлиги ва бадиий маҳорат борасида юксакликларга кўтарилганлиги энг машҳур асарлари таҳлили воситасида очиб берилди. Олий ўқув юртларида Алишер Навоий ижодини ўқитиш услубияти борасида асосий вазифалар белгиланди.

Анжуманда йирик адабиётшунос олимлар Навоий ижоди ҳақидаги маърузалари, санъаткорлар унинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлари билан иштирок этдилар. Университет талабалари Навоий ғазалларидан намуналар ўқидилар.

«Туркистон-пресс»

Нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти дурдоналарини қалб гавҳари, сўз жавоҳирлари билан бойитган буюк шоир, шеърият султони Мир Алишер Навоий сиймосини ўзбек драматурглари ва кинорежиссёрлари бир неча бор экранга олиб чиққанлар. Бу улуғ зот сиймосини яратиш уч забардаст санъаткорлар — Аброр Ҳидоятов, Раззоқ Ҳамроев, Олим Хўжаев ва Ёқуб Аҳмедовларга ҳам насиб этган. Навоий образининг талқини хусусида Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов билан суҳбатлашдик.

ОДАМИ ЭРСАНГ, ДЕМАГИЛ ОДАМИ...

— Ёқуб ака, маълумки, Алишер Навоий сиймосини театр саҳнасида илк марта эл суйган санъаткорлардан бири — Аброр Ҳидоятов гавдалантирган эди. Бетакрор ижодкорнинг рол талқинидаги ютуқлари нималардан иборат?

— Ўзбек театр санъатининг атоқли намоёндаси, аксарият санъаткорларнинг устози Аброр ака ўзига берилган ролни у хоҳ шоҳ образи бўлсин, хоҳ оддий фуқаро бор маҳоратини, меҳрини ва қалбини бахш этган ҳолда ижро этарди. Устоз ҳар бир ролга жону тани билан сингиб, ижро жараёнида ўша қаҳрамоннинг ўзига айлана оларди. Ҳатто асар намойиши тугагандан кейин ҳам бу ҳолатдан узоқ муддат чиқа олмас эканлар.

Навоий сиймосини яратишда ҳам устоз санъаткор ботиний Навоий қиёфасига кириб, руҳиятида Навоийга яқинликни юзага келтирган ҳолда зоҳирида қалб туғёнларини ифодалай олган. Чунки, инсоннинг ботиний ҳислатлари албатта юзкўзида намоён бўлади, ташқи кўринишида акс этади.

Аброр аканинг ютуғи ҳам ана шунда эди.

— Кейинчалик бу образни Олим Хўжаев ўзига хос услубда ижро этди. Санъаткор аввалги талқинга ўхшамаган образ яратиб, муваффақият қозонди. Бу борада актердаги ўзига хослик нималарда кўринади?

— Аввало раҳматли устозимиз Олим Хўжаев билан бир саҳнада ишлаш бахтига муяссар бўлганимдан беҳад хурсандман. Устоз ҳазрат Навоий сиймосини саҳнада 500 мартадан зиёд ўйнаб, халқимиз олқишларига сазовор бўлганлар.

Олим ака ушбу ролни ижро этган саҳналарда мен оммавий кўринишларни, мунажжим ролини ўйнаганман. Онахон санъаткорларимиздан Сорахоним Эшонтўраева Гулини ижро этганлар. Шуни таъкидламоқ керакки, Олим Хўжаев Навоий талқинини юксак маҳорат билан яратганлар.

Маълумки, актёр ҳар бир образни ижро этар экан, аввало ўз феълидан келиб чиққан ҳолда талқин қилади. Масалан, бировда қаҳрамоннинг раҳбарлик ёки давлат арбобилик хусусияти бўртиб чиқса, бошқа кишида инсонларга бўлган муҳаббати, меҳр-оқибати акс этади. Бу актёрнинг феъли, руҳиятига боғлиқ. Айнан Олим акада Навоийнинг инсонга муҳаббати, кўнгил поклиги, ботиний нурнинг зоҳирда намоён бўлиши, халққа бўлган меҳри ва ғамхўрлиги биринчи ўринга чиққан. Булар эса ҳазратнинг асосий фазилатларидан ҳисобланади. Унинг ижросидаги талқиннинг ўзига хослиги ва муваффақият омили ҳам мана шуларда эди.

— Ва ниҳоят, улуғ сиймо қиёфасида халқ олдига чиқиш, покдомон шоир ва мутафаккир тилидан одамларга сўз айтиш сизга насиб этди.

— Ҳа! Мен бу сўзни ҳаяжонланмай айта олмайман. Чунки, устозимиз Олим Хўжаев билан ёнма-ён рол ижро этиб юрган чоғларимда ҳазрат Навоийни ўйнашни юракдан орзу қилиб, дилимга туккан эдим. Ният холис экан, Олим аканинг ўзлари мени Алишер Навоий ролига тайёрлаб, жамоа олдида ушбу ролни топширдилар.

Республикамизда минглаб актёрлар бўлса, Навоий сиймосини яратиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Мен бу жиҳатдан бахтлиман.

— Навоий пайғамбарсифат, камтар ва улуғвор шахс. Унинг қиёфасига киришда сиз қийинчиликларга учрамадингизми? Бунда сизга нималар мадад бўлди?

— Баъзида бизга савол беришади: — Ижобий роллар билан бирга салбий ролларни ҳам ўйнайсиз. Бу орқали феълингизда ҳам салбийлик авж олиб кетмайдими? Кейин ижобий образларни яратишда қийналмайсизми?

(Давоми 4-бетда).

Алишер Навоий таваллудининг беш юз йигирма беш йиллиги тантанали нишонланган йили биз талаба эдик. Ўшанда Навоий асарлари билан бирга Навоий ҳаёти, ижодига бағишланган кўп нарсалар босилган эди. Биз уларни иложи борича назардан четда қолдирмаслик ва топиб ўқишга ҳаракат қилардик.

НАВОИЙГА

Айниқса, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларида чиққан ижод намуналарини, албатта, ўқирдик. Ўшанда «Гулистон» журналида марҳум шоир Собир Абдулланинг бир туркум шеърлари чоп этилиб, биттаси Алишер Навоийга бағишланган мадҳия эди. Шеърдаги бошқа бирор сўзни ҳам ҳозир эслай олмайман, лекин мана бу тўрт мисра ҳанузгача хотирдан чиқмайди:

Билмак Навоийни — бу зўр маърифат нишони,
Билмак Навоийни — бу юксакка элтар они.
Билмак Навоийни — бу ўз наъфи, йўқ зиёни,
Билмак Навоийни — бу ойинаи жаҳони.

Ёшлик тасаввури билан, демак, Навоийни билиш маърифат, юксаклик ва жаҳонни кўриш «ҳужжати» деган хулосага келганман. Лекин Навоий ижодиётининг маъно ва руҳонияти оламига кириш, гўзаллик сир-асрорини баҳоли қудрат англаш осон эмаслигини, рости ўйлаб ҳам ўтирмаганман.

Навоийни англаш «мақоми»га етиш том маъноси ила бир саодат. Фақат бунга ниҳоятда секинлик билан, ниҳоятда кўп мутолаа ва мушоҳада ила, маълум бир ҳаёт тажрибасига эга бўлиш билан эришилади. Демоқчимизки, Навоий ижодиётини шошилиб ёки кундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўрганиш жуда қийин. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш — муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек махсус тайёргарликни талаб қилади. Навоийнинг руҳонияти шу қадар баланд, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатли.

Навоий меросини ўқиб-ўрганиш бундан ўн йиллар муқаддам ҳам алоҳида тоифа ёки гуруҳнинг эҳтиёжи эди. Бугун энди бутун бир миллат эҳтиёжига айланиб бораётир. Демак, миллат тафаккур меҳнатини зиммасига олмоқчи. Руҳоният учун қайғурмоқчи, ўзлигини танимоқчи ва Ватан билан бир жону тан бўлиб яшамоқчи. Бундан ҳар қанча қувонса арзийди.

«Навоийни бугун яхши ўрганмоқ керак!» — дейилганда «Кеча нега яхши ўрганилмади?» — деган саволга ҳам жавоб топиш керак бўлади. Шу маънода баъзи фикрларга диққатни қаратмоқчимиз.

Алишер Навоий ғазалларидан бири шундай байт билан бошланади:

Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлиг нишони бас,
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошёни бас.

Байт мазмунини унча қийналмасдан тушунса бўлади. Шеър қаҳрамонининг ташқи сувратини ҳам тасаввур этиш осон: «кийик чарми»га ўранган заиф бир вужуд. «Жунун тоши» устидаги яраланган бош. Бу ғариб бош соҳибининг бирдан-бир орзуси мажнунлик ҳолига эришиш ва «қуш ошёни»ни манзил айлаш. Демак: «нишон»дан ва «ошён»дан мурод — мутлоқ ҳурлик истагини билдириш. «Кийик чарми» ҳам, «қуш ошёни» ҳам шу орзуга ишорат. Лекин кўп қатори «заифлик» ва «синиқ»лик нималигини билсак-да, шахсан мен, ҳолат ўлароқ уни идрок қила олмайман. Биринчидан, бундай ҳолнинг сирини билмайман. Иккинчидан, бунақа ҳолатни яшамаганман. Шунга қарамасдан, байт мазмунидан кўнгилга бир енгиллик инади. Негадир айнан «қуш ошёни» ибораси дилга ёқимли эшитилади. Энг муҳими эса орзиқтирувчи бир кайфият шуъласидир. Бу кайфиятнинг номи руҳоний ҳурлик. У қандай туғилади ва унга қандай эришилади — бу энди муаммо.

Алишер Навоийга кўра, агар кўнгилда ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса зуҳду тақво қуруқ даъводир:

Ишқ кўнгулга солиб дард, они қоп этмиш,
У кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Яъни: Ишқ кўнгулга дард солиб уни қоп этмиш. Лекин шу қоп кўнгил либоси бўлганлиги туфайли кофир мусулмонга айланмиш.

Албатта, бунда назарда тутилган «кофир» — нафс. Уни мусулмон айлаш «тажриба»си эса соф тасаввуфий тажриба. Бу «тажриба»нинг талаб, эҳтиёж, шарт ва мажбуриятларини инобатга олмай, Навоийнинг руҳ, кўнгил, фано, бақо, ҳурлик ҳақидаги фикр ва тасвирларини умуман тўғри мушоҳада этиб бўлмайди. Чунки Навоийнинг лирик қаҳрамони Ҳақни ички ўлароқ нафсда мушоҳада айлаганлиги учун у ниҳоятда кучли руҳий, ҳиссий салоҳият соҳибидир. Унинг кўнгил ва руҳ оламига яқинлашишининг бир неча йўли бор. Шулардан бири — тасаввуф.

Тасаввуфни қоралаш, унинг ҳақиқатларини нотўғри талқин қилиб, мутасаввифларни бадном айлашни шўро мафкураси равнақи учун бел боғлаб хизмат қилган олимлар бошлагани йўқ. Бу иш ўнинчи асрлардаёқ бошланган. Тасаввуфдаги Ҳақ нарса ботил сифатида кўрсатилгач, Калобозийнинг айтишича, «тасаввуф ҳақиқатини биладиганлар бир гўшага бекиниб, билганларини бошқалардан сир «тутганлар». Оқибатда халойиқ кўнглида тасаввуфга нисбатан нафрат уйғониб кўнгиллар сўфийлардан совиган.

Шўро даври адабиётшунослигида Навоий ижодиётини имкони бўлгани қадар тасаввуфдан узолаштириш ёки ажратиш нуқтаи назари ҳукмронлик қилган бўлса, қайта қуриш ва ошкоралик замонидан сўнг бунга мутлақо тескари ҳаракат бошланди. Яъни, Навоийнинг деярли ҳар бир шеъридан тасаввуфий маъно ахтариш, қандай қилиб бўлса ҳам ирфоний ҳақиқатларни «кашф» этиш умумий

МЕН ЎЗИМНИ ТОПМАСАМ...

НАВОИЙХОНЛИК 560

маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир

Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилубтур: «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадое ул-васат», «Фавоид ул-кибар» отлиқ...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

ДИЛГА КЎЧГАН СУВРАТЛАР



(Боши 1-бетда).

Ўзбек халқи тарихи ва маданиятининг зукко билимдони Маҳмуд Жўраев ижодида мумтоз адабиётимиз намояндалари тасвирланган асарлар алоҳида ўрин тутади. Жомий ва Беҳзод, Бобур ва Ҳусайн Бойқаро, Хўжа Аҳрори Валий сингари буюк зотлар портретини яратган мусаввирнинг меҳри айниқса ҳазрат Навоийга бўлакчадир.

— Мен 30 йилдан буён Навоий ижоди ва ҳаётига мурожаат қиламан, — дейди мусаввир биз билан суҳбатда. — Нафсиламбирини айтганда, Алишер Навоийнинг энг гўзал портретларини Абдулҳақ Абдуллаев, В.Кайдалов, Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев сингари ўнлаб машҳур мусаввирларимиз яратганлар. Аммо Навоийдек катта талант соҳиби, нафақат шеърият, балки тарих, мусиқа, рассомлик каби илму фан ҳамда санъатнинг турли соҳалари билан мукаммал шуғулланган инсон даҳоси ҳали яна кўплаб рассомларга илҳом манбаи бўлиши шубҳасиз.

Навоийни ёки у ҳақдаги асарларни ўқисам, беихтиёр қўлимга қалам оламан.

Рассом ўз асарларининг аксариятида Навоийнинг кексалик даврини қаламга олади. Чунки бу давр шоир изтироблари, унинг руҳий тўлғоқлари, ҳадсиз ички кечинмаларини тўла акс эттириш имконини беради.

«Алишер Навоий хаёл оғушида» асарини кузатган томошабин ҳар бир инсон ўз ҳаёти, кечирган умри, унинг мазмун- моҳияти олдида масъул эканини дилдилдан ҳис қилади. «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро» сурати эса ўзига хос ечимга эга. Ундаги контраст ва таносиб санъати Алишер Навоий шеъриятидаги гўзал санъатларни ўзида намоён этган бўлса, «Абдураҳмон Жомий, Хўжа Аҳрори Валий ва Навоий» композициясида Туронзаминнинг уч буюк намояндаси ўз маънавий-руҳий олами, бемисл қудрати ва салоҳияти билан яққол акс этади.

«Ажаб, занжирбанд шер, енгаман дер» асари Маҳмуд Жўраев ижодида ўзига хос ўрин тутади. У нафақат Алишер Навоийнинг рассомлик санъатидан хабардор қилади, балки томошабинни шоир қалбида кечаётган туғёнлар билан ҳам ошно этади. Асарда акс эттирилган ҳар бир детал Навоий руҳиятига қўшилиб, унинг яхлит портретини яратишга хизмат қилган.

Ижодий режаларининг уфқи кўз илғамас даражада кенг, ҳазрат Навоийга беқиёс меҳр қўйган камтарин инсон ва моҳир мусаввир Маҳмуд Жўраев ижодхонасида сўз мулкининг султонига бағишланган яна кўплаб сувратларни кўришингиз, уларни соатлаб томоша қилишингиз мумкин. Буларнинг бари Навоийга бўлган инсонлар қалбидаги ҳайрат денгизининг канора билмаслигидан далолатдир.

Темир ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

Мулоҳаза

Назм мулкининг султони Мир Алишер Навоий ижоди ҳеч туганмас жавоҳирот уммонидир. Мана, беш ярим асрки, миннатдор авлодлар бу хазинадан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Хўш, биз ёшлар шоир ижодини қандай ўрганяпмиз, уни ўқиб, керагича укиб ола биляпмизми?

БЕБАҲО ХАЗИНА

Бугун қайси кутубхонага бормайлик, китоб жавонларида буюк мутафаккирнинг ўнлаб нодир асарларини учратамиз. Бежирим муқоваланган бу қиймат-баҳо китобларни ҳавас билан варақлар эканмиз, ҳар бир саҳифанинг ярми матндан, ярми изоҳлардан иборат эканлигини кўрамиз. Асардаги арабча ёки форсча сўзлар, атамалар мағзини чақиш ниятида ноилож изоҳга мурожаат этамиз...

Менимча, бугунги ёш авлод Навоийни билиши учун энг аввал ўша давр тилини тушуниши лозим. Бунинг учун адабиётшунос ва тилшуносларимиз зарур қўлланмалар яратсалар, айни муддао бўларди. Яна бир гап. Баъзан газета-журналлардаги шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги айрим мақолалар билан танишар эканмиз, уларнинг оддий ўқувчи тушуниши қийин бўлган илмий тилда ёзилганлигига гувоҳ бўламиз. Ахир, Навоий ҳазратлари кенг омма учун ижод қилган-ку!

Айтмоқчиманки, Алишер Навоийни билсак, тушунсак, қалбан ҳис қилсаккина, унга муносиб ворис бўла оламиз.

Рустам ЗОИРОВ,
талаба.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИДАН

Қуёшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутқай.
Агар зулм этса оқшом зулматдек,
Ҳам ул дам тийралик оламни тутқай.

* * *

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрақдурур.

* * *

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

* * *

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

* * *

Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзингдан керакдур шикоят санга.

* * *

Олам аҳли билингизким иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

* * *

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.

* * *

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

* * *

Бўлмасанг оллимда ё кўнглумда, ё жонимда бўл,
Манзилингдур бори кўнглум қайда истай, анда бўл.

* * *

Киши айбинг деса, дам урмағилким, эл эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Аллома шоиримизнинг иқтисодий қарашлари

ХИЗМАТГА ЯРАША ҲАҚ

ота мероси ва она сути каби ҳалолдир

Буюк ўзбек шоири, мутафаккири, давлат арбоби Алишер Навоий ижоди ва ҳаёти ҳақида минглаб монографиялар, диссертациялар, мақолалар, қўлланмалар ёзилган. Бироқ унинг ўлмас илмий мероси ҳамон фаннинг турли йўналишлари бўйича «очилмаган қўриқ» бўлиб қолаётир. Айниқса, бу фикр даҳонинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-фалсафий дунёқарашига тегишлидир.

Навоийнинг иқтисодий қарашлари «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Хамса»да баён этилган. Энг муҳими, Навоий вазир, ҳоким, давлат арбоби сифатида иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланганлиги - ҳаётнинг моддий асоси бўлган бу соҳанинг бир қанча муаммоларига ечим топганлигидир.

Маълумки, иқтисодиёт назарияси ва амалиётининг энг муҳим масалаларидан бири тақсимот масаласи, яъни меҳнатига яраша тақсимотни амалда тўғри ташкил этишдир. Тарихда жуда кўп давлатлар, ижтимоий-сиёсий тузумлар, салтанатларнинг таназзули ана шу масалани тўғри ҳал этилмаганлигидан содир бўлган. Бу тарихий ҳақиқатни чуқур тушунган Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тақсимот муаммосига, уни адолатли (меҳнатга яраша) ташкил этишга биринчи даражали эътибор берди. У ясовул меҳнати мисолида шундай дейди: «Агар у хизматига яраша ҳақ олиш хаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир.»

Бунда иккита иқтисодий ғоя эътироф этилган, биринчидан, ҳар бир ходим аввал бошданоқ ҳалол меҳнат қилишни, меҳнат ҳақини оқлайдиган даражада тер тўкишни ўйлаб ишлаши керак; иккинчидан, иш берувчи ходим меҳнати миқдори ва сифатига яраша ҳақ берсагина, у она сути каби ҳалол бўлади. Бу масала айни бизнинг давримизда ҳам долзарб бўлиб қолаётир.

Шунингдек, асарда жамиятнинг бойишида савдо-сотиқ ва тижорат фаолияти катта аҳамиятга эга эканлиги уқтирилади, савдогарнинг руҳий дунёқараши, маънавияти ҳақида сўз боради. «Савдогар, - деб ёзади шоир, - ёлғиз фойдани ният қилмаслиги, савдо қилиб фойда топаман деб ортиқча кема сурмаслиги, мол ва пул кўпайтираман деб жонсарак бўлмаслиги керак. Савдогар бож-хирожни бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обрўсини тўкмаса ёки топган-тутганини меросхўрлари сотиб-совуриши учун тўплаб қўймаса ёки бирор ёмон ҳодиса кўзғаш учун сарфламаса яхши бўлади».

Иқтисодиёт тарихидан маълумки, солиқ ҳар қандай давлат тизимида бош масала ҳисобланади. Алишер Навоий ҳам давлат арбоби сифатида бу масала билан тўқнаш келганлиги табиий. Шунинг учун «Маҳбуб ул-қулуб»да давлат аҳамиятига молик бу масала алоҳида қаламга олинган. Тарихий манбалардан маълумки, шоир солиқларнинг адолатли ва халққа енгил бўлиши учун курашди, ҳатто аҳолига солинган оғир солиқларни подшога, халққа билдирмай ўз ҳисобидан тўлаб юборган вақтлар ҳам кўп бўлган. Айни вақтда Навоий солиқ тўлашга мажбурий ҳол деб қараган. У одамларга солиқни тўлашдан бош тортмасликни маслаҳат беради, «солиқ тўламаслик ўз шерикларига жафо қилишлик билан тенгдир», деб ёзади.

Иқтисодиётда қиймат тушунчаси бор. Қиймат товар ишлаб чиқарувчиларнинг уни ишлаб чиқариш учун сарфланган буюм ҳамда иш кучи шаклларидаги меҳнатидир. Қиймат, иккинчи томондан, товар яратувчиларнинг ишлаб чиқариш соҳаларида қарор топган иқтисодий муносабатлари ҳамдир. Алишер Навоий қиймат категориясининг миқдор жиҳатини ижтимоий меҳнат ифодаси эканини тушунтиради. Қиймат тушунчасини ифодалашда шоир чинни буюмлар ишлаб чиқаришни мисол келтиради: «Чинни идиш сопол идишдан кўра қимматлидир, — деб ёзади шоир, - шунинг учун уни кўпроқ қадрлайдилар ва эҳтиётлайдилар. Чунки чинни буюмда кўпроқ ижтимоий-зарурий иш вақти, меҳнат мужассамлашган.» Бу қоида иқтисодиёт назарияси анча ривожланган бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Юқоридаги келтирилган қарашлар Навоий иқтисодий меросини ўрганишда дарёдан томчи. Ҳали иқтисодчилар олдида буюк бобокалонимиз иқтисодий қарашларини махсус тадқиқ этишдек мураккаб, айни чоғда ғоят эзгу вазифалар турибди.

Қодиржон ЙЎЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари доктори.

ҲАР СЎЗИ

камолот йўлидаги бир чироқ

«Ишонч» газетасининг ҳар жума сонида берилаётган «Навоийхонлик» рукнидаги ҳурматли олимларимизнинг тадқиқотлари, шарҳлари, ғазал талқинларини ўқиб, иқрор бўлаяпманки, ҳазрат шахсига, ҳаётига, ижодига ошно бўлмоқликнинг ўзи бир шараф, Навоийнинг ҳар сўзи биз учун камолот, руҳоният йўлидаги бир чироқ экан. Унинг шуъласидан нафақат йўлимиз, дилимиз, руҳимиз ёришаркан. Ул зоти шарифнинг сўзлари маънавият уммонидаги бир дур, бу дурга эга бўлмоқ учун эса ҳазрат яратган асарларни пухта эгаллламак, бир сўз билан айтганда, Навоийга муносиб ворис бўлмоқ керак. Назаримда, ҳазрат Навоий ҳурлик, озодлик насимларидан баҳраманд ҳар бир ўзбекни синовдан ўтказаётганга ўхшайдилар. Гўё ул зот биз ёшларга «Қандай эзу иш қилдинг? Кимларга нафинг тегди? Ватан учун, осойишталик учун улушингни қўшдингми? Аждодларингга муносибмисан?» деган савол билан мурожаат этаётгандек.

Ҳа, улуғларга ворис бўлмоқ осон эмас. Аждодлар олдидаги бурчни тўла адо этмоқ даври келди. Бу ўз-ўзини англамоқ, билмоқ, синов онларидир. Ҳадеб донишманд боболар билан мақтанавермай, ўзимиз ҳам аждодларга монанд бўлишимиз, амалий фаолиятимиз, эзгу ишимиз, донолигимиз билан уларнинг ҳақиқий ворислари эканлигимизни амалда исбот этмоғимиз керак. Негаки, Навоий кўнгил мулкининг шоҳи. Унинг ғазалларини кўнгил кўзи билан ўқимоқ, кўнгилга жойламоқ даркор. Шундагина ундаги асл моҳиятга, гўзалликка, руҳий юксакликка эришиш мумкин. Ўзини маърифатли ҳисоблаган инсон борки, кўнгул кўзгусида ўз Навоийси бор. Ҳар ким ўз руҳий оламидан, илм-салоҳиятидан келиб чиқиб шоирни англайди, ундан ўзига, тафаккурига яраша завқ олади. Шунинг учун ҳам Навоийнинг асарлари кўнглимизни тўлдирсин, ахлоқий-маф-куравий қиёфамизни, тафаккуримизни, ботиний ва зоҳирий оламимизни безасин, машъала бўлиб йўлимизни равшан этсин.

Навоий ижодини ўрганиш, ўргатиш ва тарғиб этишда бизнинг университетимизда ҳам катта ишлар қилинган, қилинмоқда. Талабаларига илм-маърифат нурини сочган, устозлар Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймонов, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Шарифа Абдуллаеваларнинг эзгу ишларини Нажмиддин Комилов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ҳомиджон Ҳомидов, Ботирхон Акромов, Ғолима Мусина, Файзулла Набиев, Баҳодир Саримсоқов каби издошлари қатори Каромат Маллахўжаева, Зиёда Машарипова, Иброҳим Йўлдошев, Иномжон Азимов сингари истеъдодли ёшлар давом эттирмоқдалар. Мутафаккир шоирнинг 560 йиллик тўйига устозларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан «Навоийга армуғон» китоби чоп этилди. Бу савобли ишда университетимиз ректори, профессор Б.Қодировнинг бош-қош бўлганлари нақадар қувончли. Мажмуадан жой олган аксарият мақолалар шоир ижодининг кам ўрганилган жиҳатларига бағишланган. Шубҳасиз, ушбу кузатишлар даҳо санъаткор меросини янада теранроқ идрок этишда кўмаклашади.

Шоира РАУПОВА,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети талабаси.

ҚАЙТИШ

бир интилишга айланди. Кечагина тасаввуфга ёт назар билан қараган ёки бу таълимотнинг куч-қуввати ва мавқеи билан ҳисоблашишни истамайдиган олимлар ҳам тасаввуф ҳақида ижобий фикр-мулоҳазаларини баён қилишга рағбат этдилар. Мустақилликдан кейин сўфийлик ва тариқатлар тарихи, тасаввуф ва адабиёт муаммолари эркин ўрганишга киришилди. Тасаввуфни пухта тадқиқ этмасдан мумтоз адабиётни текшириш самара бермаслиги равшанлашди. Бу ҳодиса баъзи навоийшуносларга ҳам ички бир енгиллик бахш этди. Чунки улар айнан ўша шўро мафкураси талабларини ифодалайдиган ва тасаввуф маслаги Навоий дунёқараши учун ҳам, шеърияти учун ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмаган, деган ҳукм ва баҳоларининг тасдиғини кўргандай бўлишди. Ҳолбуки, айрим саёз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишлардан ташқари кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этган ва Навоий ижодиётига янгича қарашни тасдиқлашга қодир тадқиқотлар ҳам яратилди. Тўғри, бу ишларнинг ўзига яраша нуқсон ва камчиликлари бор. Дастлабки уриниш ва изланишлар учун бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биз истаймизми, истамаймизми, навоийшуносликда маълум бир саёзлик, якранглик ва турғунлик кўзга ташланиб турибди. Уни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун биринчи навбатда Навоий шеъриятининг руҳоният ва туйғулар оламига қарашларни тубдан ўзгартириш лозим; янгича тадқиқ усул ва йўлларини жорий этишга уриниш керак; Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий «қатлам»ларини хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини ҳам очиш лозим. Буни эса тасаввуфий илмга эга бўлмасдан юзага чиқариш жуда-жуда душвордир. Албатта, юқорида қайд этилганидек, Навоийнинг ҳамма шеъридан тасаввуфий моҳият излаш ва уларни атайин тасаввуфлаштириш тамоман номақбул ишдир. Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, Навоийнинг аксарият шеърларида тасаввуфнинг ё зиёси, ё сафоси, ё маъноси ёки истилоҳ ва тимсоли эркин ўрин эгаллаган. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Фақат ишқ, фақат ҳақиқатда эмас, ахлоқ-одоб, руҳ, тафаккур, маърифат, шахс тарбияси ва дунёга муносабат масалаларида ҳам тасаввуф Навоий дунёқарашини машъалдай ёритиб турган. Гап бунда Навоийнинг нақшбандийлик тариқатини расман қабул қилганлиги ва инсон қисматига дахлдор бир қанча ахлоқий, маънавий ва фалсафий муаммоларни ушбу тариқат талаб ва кўрсатмалари бўйича ёритганлигида эмас, албатта. Навоийнинг тасаввуфга ёндошуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади — шахс ва миллат тақдирига энг олий даражада масъулият ҳис этган, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур фикр ва тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган. Ҳақиқатни фақат таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятининг равнақини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди. Навоийнинг тасаввуф наҳри ва чашмаларидан чуқур баҳраманд бўлганлигини исботлаш учун ташқаридан «ҳужжат» ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд. Тасаввуфий тажрибада туйғу ва ҳаяжон фавқулодда муҳим рол бажарган. Фано мақомида толиб-матлуб ёки ошиқ-маъшуқ бирлигини акс эттирган завқу сурурнинг асоси ҳаяжон унсуридир. Зеро, ишқ сурури ва ёруғ туйғулардан маҳрум ошиқнинг йўли таҳликалидир.

Жалолиддин Румийда шундай байт бор:

Илмро бар тан занй,
море бувад,
Илмро бар дил занй, ёре бувад.

Яъни: Илмни танга сингдирсанг, илон бўлади. Илмни дилга жо этсанг, ёр бўлади. Навоийни ҳар томонлама теран ва ҳаққоний ўқиб-ўзлаштиришда, ҳеч шубҳасизки, илм керак. Лекин у каллага жамланган, илонликни талаб қилгувчи илм бўлмаслиги лозим. Ақл, юрак, руҳ ва илмни ҳамжиҳат — уйғунликда ишлата олган одам Навоийнинг ижод гулшанига ортиқча қийинчилик сезмай, яйраб кириб боради ва сўнгги нафасигача ундан ажралмайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТИЛГАН МАМЛАКАТ

(Боши 1-бетда).

Мен бу гапларни баъзида одамга алам қиладиган таъналар рус кишиси бўлганим учун менинг ҳамиятимга тегишини ўйлаб гапираётганим йўқ. Йўқ, бундай таъналар менинг, Ўзбекистон халқи ўзининг озод юртида озод яшаши керак, деган эътиқодимни ўзгартиролмайди. Гап бошқа ёқда. Мени собиқ иттифоқ республикаларидаги илғор зиёлиларнинг шароитга қараб тез ўзгарадиган собиқ амалдорлар билан бирлашиб, ҳокимиятга қарши мухолифатнинг таянчига айлангани кўпроқ ташвишга солади. Уларни бирлаштирган ғоялардан бири, стратегик моҳиятига кўра аксилмиллий бўлган, жамиятга катта зарар етказадиган аксилрус кайфиятидаги йўналишдир.

Китоб муаллифи яна бир ғайритабиий зиддиятга эътиборни қаратади. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ҳаётининг бирон-бир жиҳатини соф расмиятчилик нуқтаи назаридан кўздан кечирадиган бўлсак, шахс эркинликлари, мухолифатнинг ўрни, сиёсий партияларнинг аҳволи, уларнинг давлатга ва мамлакат раҳбариятига бўлган муносабати хусусида бирмунча мураккаб ва ҳокимият фойдасига ўтмайдиган хулосалар чиқариш мумкин. Буларнинг барчаси бор гап. Айни пайтда чиндан ҳам бор гапмикан?

Афтидан, бундай хулосаларга келишда собиқ иттифоқ ҳудудидаги янги давлатлар эндигина шаклланаётгани эътибордан соқит қилинмоқда, қолаверса, эркинлик ва демократияга ўтиш даври баъзан эски, қотиб қолган тушунчалар, феодал тартиблар асорати остида кечмоқда.

Айтайлик, Ўзбекистон тараққиётидаги социалистик давр халқнинг моддий ҳаётига нимадир қўшган бўлса бордир, лекин бу инсоний муносабатларнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишини мутлақо англатмайди. Чунки собиқ иттифоқда социалистик тузум амал қилган эмас, балки лагерлар, қатағонлар, сургун ва қамоқхоналардан иборат бўлган давлат феодализми ҳукм сурган эди. Бу ҳолат фақат Ўрта Осиёга тегишли бўлмасдан, бутун Россияга ҳам тааллуқлидир. Шу боис, ҳали шаклланиб улгурмаган давлатдаги муайян воқеаларни Европа мезонлари билан баҳолаш - бу бориб турган хато, сиёсий чайқовчиликдан бошқа нарса эмас.

Ўрта Осиёдаги собиқ иттифоқдош республикалар раҳбарлари ҳақида гап кетганда, кўпинча уларга шундай эътироз билдирилади: яъни, улар халқнинг сиёсий маданияти ва умуман мамлакат тараққиётида мухолифатнинг ўрнини тушунмайди, деган фикрларни эшитиш мумкин. Бунда, албатта, ривожланиш омилларидан бири сифатида янги-янги ғояларга эга бўлган, захирада куч тўплаб турадиган ҳақиқий, амалий мухолифат назарда тутилади. Мен, масалан, шуни яхши тушунаманки, маърифий, демократик мухолифат бўлмаган жойда демократия аввалига айнийди, кейин эса ҳалок бўлади.

Шундай бўлиши турган гап. Бу гап собиқ иттифоқ ҳудудида демократик ўзгаришлар ташаббускори бўлишга даъвогарлик қилаётган Россияга ҳам тегишлидир. Тўғри, Россия парламенти баъзида кескин қарамақарши фикрларни ёқлаб чиқадиган партиялардан иборат. Бироқ, шуни очиқ тан олиб айтиш керакки, принципиал масалалар нуқтаи назаридан қараганда, мухолифат демократик жараёнга етарли даражада ижобий таъсир кўрсатаётгани йўқ, коммунистик фракция эса очиқдан-очиқ салбий роль ўйнамоқда. Вазиятни шу жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак, Ўзбекистон етакчиси демократик ҳаёт асосларининг имкониятлари ва ривожланиш йўлларини бошқа кўпгина иттифоқдош республикаларнинг раҳбарларидан кўра яхшироқ тушунди. У, айтайлик, Ельциндан фарқли ўлароқ, коммунистик партия фаолияти учун кенг йўл очиб бермади. Чунки, Ўзбекистон раҳбари бу партия ўз моҳият эътиборига кўра бирон-бир фойдали ишни амалга оширишга қодир эмаслигини, у тарихий маънода инқирозга юз тутганини, бундан кейинги тараққиёт учун фақат тўғаноқ бўлиши муқаррар эканини кўра билди.

Биз бугун Россияда мамлакат ривожига умумий тарзда жиддий зарар етказаётган, ҳали-бери охири кўринмайдиган ғавғолар, даҳанаки жанжаллар, сохта сиёсий жангларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай низо ва можаролар негизида коммунизм мафкураси, «доимо кечаги кун»да яшайдиганлар амалиёти, большевизм тажрибаси пинҳон ётибди. Такрор айтаман, бу борада ҳам Ислом Каримов айрим собиқ иттифоқ давлатлари раҳбарларига қараганда анча узоқни кўзлаб иш тутди.

Ислом Каримовнинг большевизмни экстремистик оқим сифатида тушуниши, ўйлайманки, унинг ислом ақидапарастлигига бўлган муносабатини ҳам белгилаб берди. Ислом ақидапарастлиги мусулмон динини ниқоб қилиб олган экстремистик оқим бўлиб, исломга эътиқод қилувчи мамлакатлар ва халқлар тараққиётига жиддий таҳдид солади. У мазкур мамлакатларнинг ривожига ғов бўлиши, уларнинг иқтисодиёти ва маданиятини кескин тарзда орқага -ўтмишга суриб юбориши мумкин. Шу маънода, Ислом Каримовнинг большевистик ақидапарастлик ва ислом фундаментализмини ижтимоий тараққиётдаги экстремистик оқимлар сифатида тушуниши жиддий эътиборга ва юксак баҳога муносибдир.

Китобда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ бўлим бор. Мен бу саҳифаларни бир неча бор ўқиб чиқдим, чунки китоб муаллифининг нима демоқчи эканини дафъатан тушуниб олишим қийин бўлди.

Табиийки, у ахборот воситалари эркин бўлишининг тарафдори. Айни пайтда муаллиф гап орасида махсус қўмита томонидан амалга ошириладиган матбуот назоратини ёқлаб чиқаётгандек ҳам туюлади. Айрим ҳолларда эса аллақандай йўриқчилар қандайдир рухсат берувчи муҳрни қўйишни ёки қўймаслиги мумкинлиги ҳақида сўз боради.

Совет даврида цензура мустабид давлатнинг қудратли қуролигина бўлиб қолмасдан, у одамларга алоҳида ўзини тутиш маданиятини -қуллик маданиятини сингдиришга хизмат қиладиган махсус фикрлаш тарзини шакллантирувчи кучли восита ҳам эди.

Мен қонун цензураси ва журналистнинг ўзидан ташқари матбуот устидан махсус назорат ўрнатишни рад этаман. Журналист ўз шаъни, ор-номуси ва виждонига таяниб иш юритиши керак. Аммо мен бу китоб билан танишар эканман, муаллифнинг айрим фикрларига қўшилишимга тўғри келди. Чамаси, Ўзбекистонда ҳам Россиядаги каби тенденциялар юз кўрсатаётганга, яъни газета ва журналлар саҳифаларига, телевизор экранларига, эфирга андиша, меҳр-шафқат, инсоф ва диёнат туйғусидан маҳрум бўлган одамлар чиқа бошлаганга ўхшайди.

Бундай кимсалар учун инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиш арзимас нарсадек бўлиб туюлади. Улар ўз ҳатти-ҳаракатлари ана шу одамнинг оиласи, яқинлари учун қандай оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бу борада жиддий чора-тадбирлар кўриш учун сабаблар етарли, албатта.

Бироқ, бу муҳим масала, менинг назаримда охир-оқибатда цензурага эмас, балки суднинг қонун асосида фаолият юритиши керак-лигига бориб тақалади. XVIII аср ниҳоясида буюк француз инқилоби даврида қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари баёнотномасида матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги фақат қонун асосида чекланиши мумкинлиги қайд этилган эди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлини топишда мана шундай ёндашувдан келиб чиқиш зарур. Амалий танқиддан фақат заиф одамларгина қўрқади.

Агар қасддан инсонни бадном этишга қаратилган матбуот чиқишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу масалалар сўзсиз суд жавобгарлиги доирасида ҳал этилиши керак.

Энди китоб муаллифи бажарган ишнинг умумий баҳосига дахли бўлмаган бир неча эътирозларимни ҳам билдирмоқчиман. Муаллиф М.С.Горбачёв сиёсатининг аллақандай «қўпол хатолари» ҳақида ёзади. Бу хатолар жиноий муҳитни ва охлократияни, яъни ҳокимиятни тан олмаслик вазиятини вужудга келтиргани тўғрисида фикр юритади. Бу ерда қандай хатолар ҳақида гап бормоқда? Айблов шу даражада жиддийки, факт ва далилларни талаб қилади. Михаил Горбачёв Ислом Каримовнинг Президент бўлиб сайланишига қарши бўлгани ва уни лавозимидан бўшатиш учун қандайдир режалар тузганини ҳам тасдиқлай олмайман. Тўғри, Лукьянов бу борада ғалва бошлаган, бироқ Горбачёв бу масалага хотиржамлик билан ёндашган эди. Балки бу тўғрида у ҳам ўзича нимадир деган бўлиши мумкин, лекин гапиришнинг ўзи амалий ҳаракат дегани эмас.

Ва ниҳоят, мен айтмоқчи бўлган асосий гап - Ўзбекистоннинг ушбу нотинч, ҳатто таҳликали минтақада вазиятни барқарорлаштирувчи роли ҳақида. Ислом Каримовнинг инқилобни тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қабул қилиб бўлмаслиги хусусидаги қарашлари менга яқин ва тушунарлидир. Чунки инқилоб бу - боши берк кўча, йўлни йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам қуйидан, ҳам юқоридан бошланадиган жиноятлар авж олади. Шу тариқа люмпенлар жинояти ва ҳокимият жинояти бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоб даврида шафқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади, у олға ривожланиш ҳақидаги хомхаёлларни яратади-ю, охир-оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлида тўғаноқ бўлади.

Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қониқиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил, пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради. Эволюция - тараққиётнинг онасидир. Россия империясидаги, кейинчалик совет давлатидаги инқилобий ва аксилинқилобий тўс-тўполонларнинг барчаси бундай тажриба мамлакат тараққиётини узоқ вақт тўхтатиб қўйишидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти мана шундай нуқтаи назарга амал қилган ҳолда экстремизмнинг ҳар қандай кўринишини рад этади. Шу боис, у зўравонликнинг барча шаклларини таг-томири билан йўқотиш, эзгуликнинг ягона йўли бўлмиш мулоқот ўрнатишдан манфаатдор инсонлар томонидан ўз фаолиятининг маънавий ва сиёсий жиҳатдан ижобий баҳоланишига умид боғлашга ҳақлидир.

Китоб ҳозирги кунда Ўзбекистон халқи олдида турган ҳаётий муаммоларни юракдан ҳис этадиган одам томонидан ёзилгани сезилиб турибди. Муаллиф ушбу мамлакатнинг эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришдек олижаноб интилишлари самара келтиришига ишонади. Шахсан мен Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик алоқалари нафақат олис истиқболга мўлжалланган геополитик, балки инсоний нуқтаи назардан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, деб биламан.

А. Н. ЯКОВЛЕВ,
Россия Фанлар академияси академиги.

АЙЛАНМА БОШҚОТИРМА

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони, садоқатли маҳбуба. 2.Ўзбек навоийшунос олимаси. 3.Шоирнинг ер ва мулк масалалари баён этилган асари. 4.Алишернинг тоғаларидан бири, шоир. 5.Навоий ғазали билан айтиладиган мумтоз ашула. 6. «Хамса» асари қаҳрамонларини мўйқаламда гавдалантирган Ўзбекистон халқ рассоми. 7.Навоий сиймосини чизиб қолдирган замондош мусаввир. 8.«Хамса» достонларидан бирининг бош қаҳрамони. 9.«Сабъаи сайёр» достони ҳикоясидаги Меҳрнинг муҳаббатига сазовор бўлган йигит. 10.Шоир умрининг сўнгги йилларида ёзган «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») фалсафий достонидаги мажозий қаҳрамон. 11.«Садди Искандарий» достонидаги қадимий юнон олимларидан бири. 12.Навоий ижодига юксак баҳо берган ўзбек мумтоз, тарихнавис шоири. 13.Шоирнинг ҳадислар асосидаги асари. 14.«Навоий» видеофилми қаҳрамони. 15.Туркман халқ оғзаки ижодида Навоий сиймоси. 16.Маърифатпарвар аммаси Меҳинбону тарбиясида илмли, ақлли ва иффатли бўлиб камол топган достон қаҳрамони. 17.Шоирга «Сўз ичра Навоийки жаҳонгир турур» - таърифини ёзиб қолдирган ўзбек мумтоз шоири. 18.Ёш Алишер билан суҳбатда бўлиб, истеъдодига юксак баҳо берган мумтоз шоир. 19.Навоий замондоши, қасиданавис шоир ва тарихчи. 20.Шоирга: «Алишербек назири йўқ киши эрди, туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас» таърифини берган мумтоз шоир, давлат арбоби. 21.Шоир тахаллусларидан бири. 22.Қуйидаги: «Навоийдан савод очтим, Фузулийдан дурлар сочтим» мисраларини ёзиб қолдирган қорақалпоқ мумтоз шоири. 23.Навоий маҳорат билан ижод этган мумтоз назмий асар тури. 24.Лутф Алибек Озар томонидан ёзилган шоир ҳақидаги асар. 25.«Алишер Навоий» филмида Гули сиймосини гавдалантирган санъаткор. 26.Навоий ҳаёти давомида турли кишиларга наср ва назмда ёзган мактублари тўплами. 27.Алишер Навоий ўз устози деб билган хамсанавис шоир. 28.Фарҳод сиймосини мусиқали театр саҳнасида гавдалантирган атоқли устоз санъаткор. 29.«Алишер Навоий» драмасида бош қаҳрамонни маҳорат билан ижро этган санъаткор. 30.Шоир ғазалларига куй басталаган ва ижро этган атоқли хонанда ва бастакор, академик. 31.Ойбекнинг экранлаштирилган тарихий романи. 32.Алишер Навоий достони асосида опера ёзган таниқли ўзбек бастакори ва дирижёри.

МУАММОНОМА

Шаклнинг атрофи ва ички қисмидаги рақамларда Алишер Навоийнинг аёллар ҳақида ёзиб қолдирган ҳикмати яширинган. Мазкур сўзларни аввало қуйидаги очқич сўзларни топиб, сўнг рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб билиб олинг.

1. «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида санъаткор Лутфихоним Саримсоқова ижро этган қаҳрамон — 16,1,13,20,6,7.
2. Адиба Лилия Бать қаламига мансуб «Ҳаёт бўстони» асари қаҳрамони — 8,13,9,1,13,10,19,2,7.
3. Навоийнинг муаммо шеъриятига оид асари — 20,13,3,9,6,8,2,19.
4. XVI асрда Туркияда нашр этилган Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати — 6,4,13,13,21,6.
5. Хотира мазмунидаги назмий асар — 20,6,9,1,5,17.
6. «Хазойин ул-маоний» асарида қўлланилган шеърият тури — 19,6,15,9,5,18,4,6,7,8.
7. Ҳикматдан: «11,6,9,6,20 ва мулувват ато ва анодурлар, вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд».
8. Мумтоз шеъриятдаги вазн — 6,9,13,14.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Тошкентда енгил атлетиканинг югуриш, узунликка сакраш ва лангарчўп билан сакраш бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Асосий курашлар Тошкент ва Тошкент вилояти спортчилари ўртасида бўлиб ўтди. Қизғин беллашувларда Тошкент шаҳри спортчилари устун келишди.

200 метрлик масофага югуриш бўйича аёллар ўртасида Ирина Воробьёва ғалабага эришди. Эркаклар ўртасида худди шу масофада энг яхши натижани Константин Журавлёв қўлга киритди. Любов Перепелова эса 60 метрлик масофада шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Узунликка сакраш бўйича Евгений Петин ғалаба қозонган бўлса, 60 метрлик тўсиқлар оша югуришда Олег Норматов энг яхши натижа кўрсатди. Барча беллашувларда Тошкент шаҳри спортчилари ғолиб бўлишди.

Янгиерлик Анвар Кўчмуродов 60 метрлик масофани аъло даражада босиб ўтган бўлса, лангарчўп билан сакраш бўйича Тошкент вилояти вакили Леонид Андреев энг яхши натижага эришди.

(ЎзА).

Шеърият мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб «Навоийхонлик» кечалари «Назм» окшомлари шоирлар мушоиралари ўтказилмоқда. Юнусобод туманидаги 250-мактабда бўлиб ўтган Навоийхонлик чинакам шеърият байрамига айланиб кетди. Шу куни ўқувчилар ҳазрат ғазалларидан ўқиб, қўшиқлардан ўзлари билганча яйраб куйладилар. Қалбларида эса буюк бобомизга ҳурмат-эҳтиром, ворислик туйғуси жўш урди.

Суратларда: Байрамдан лавҳалар.

Д.АҲМАД олган суратлар.

ОДАМИ ЭРСАНГ, ДЕМАГИЛ ОДАМИ...

(Боши 2-бетда).

Аввало актёрнинг характери, дунёқараши, ролга мос бўлиши лозим. Чунки, ҳар ким берилган ролга ўз феъл, руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Санъатда шундай қоида бор: йиғлаш керак бўлса юракдан йиғлашинг, дилинг ҳира бўлган чоғда ҳам хандон отиб кулиш зарур бўлса, шодон қиёфага кира олишинг зарур. Чунки минглаб томошабинлар нигоҳи сенда бўлади. Томошабин сен ижро этаётган асардан маънавий завқ олгани келган. У театрдан қалбини бирон нарса билан бойитиб кетиши лозим.

Навоийдек буюк инсон образини яратиш актёр зиммасига шараф билан бирга катта масъулият ҳам юклайди. Ҳар қандай ишда ҳам, табиий қийинчиликлар учрайди. Айниқса, ҳазрат қиёфасига киришнинг ўзига хос юки ва залвори мавжуд. Унинг сиймосидаги ёруғлик, чеҳрасидаги нур, халққа яқинлик, меҳнат аҳлига ғамхўрликнинг табиий ифодасини юзага чиқара олиш ижрочидан катта маҳорат, истеъдод ва тажриба талаб этади.

Қолаверса, менга ҳар лаҳзада ҳазратнинг руҳлари мадад бериб турганга ўхшади. Ҳазратнинг гўзал ашъорлари: ғазалу достонлари, «Хамса»дек шоҳ асарни қайта-қайта мутолаа этиш ҳам маънавий мадад берди.

Шунингдек, актёрнинг сўзларни мукаммал ёдлаши, шеър ва ғазалларни гўзал ўқий олиши ҳам саҳна кўринишларининг табиий чиқишига замин яратади.

— Навоий образи талқинидан сўнг ўзингизда бирор руҳий, маънавий ўзгариш сездингизми?

— Мен ҳаётда ИНСОН деган буюк зотнинг том маънода Яратганнинг энг улуғ неъмати эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бу фоний дунёда одамзотдан фақат яхши сифатлар қолишига ва уни яхши амаллари билангина эслашларига амин бўлдим.

Яна шуни англадимки, одамзот фақат яхшилик учун яралган. У эзгулик ва муҳаббат билан яшаши лозим. Шундагина олам гулистонга, кўнгиллар бўстонга айланади.

— «Навоий» видеофилмида сизга энг манзур ва шу билан бирга оғир бўлган кўринишни эслайсизми?

— Энг яхши ижро этилган саҳналардан бири Навоийнинг Мўмин Мирзо ўлдирилгандан кейин унинг отаси Баддиуззамон билан учрашув саҳнаси деб биламан. Бу энг оғир ва қалбга, руҳий қийноқларга оид кўринишдир. Ўшанда, тасвирга олиш жараёнлари тугагач ҳам образдан чиқа олмай, бир қанча вақт руҳимда ўша қиёфа яшаган.

Энг муҳими, видеофилм яратиш жараёнида театрда ҳам, телевидениеда ҳам ажойиб актёрлар йиғилган эди. Биз бир-биримизни тушуниб, мадад бериб ишлаганмиз. Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр Мақсуд Юнусовнинг муваффақиятларидан бири ҳам мана шунда эди.

Суҳбатдош: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломовга умр йўлдоши

Раънохон ИНОЯТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзсаноатқурилиш банки Нодирабегим филиали касса амалиёти бўлимининг 1-сон учбурчак штампи йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**.

Навоий Давлат Кончилик институти томонидан Абдумалик Джабборов номига берилган №161794 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 23.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6